

Рамазоннинг 41 фазилати (ўн учинчи мақола)

Image not found or type unknown



17:09 / 07.05.2020 2619

30. Фитр садақасининг фазилати. Фитр садақаси Рамазонга хос молиявий ибодатдир. Имом Дайлабий Жарир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: **«Рамазон ойи ер билан осмон ўртасида муаллақ туриб қолади, Аллоҳ таолонинг ҳузурига фақат фитр закоти билангина мақбул ҳолда кўтарилади»**, дейилган.

31. Рамазондаги умранинг фазилати ҳажга баробар келади. Бу ҳам Рамазоннинг шарофати, албатта. Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рамазондаги умра мен билан бирга қилинган ҳажнинг ўрнига ўтади»**, деганлар».

32. Рамазонда қуллар, асирларни озод қилиш алоҳида суннат амалдир. «Мишкот»да Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойи кирганда барча

асирларни озод қилиб юборар эканлар. Салмон розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким унда (Рамазонда) ўз мамлукига (қул ва чўрисига) енгиллик яратса, Аллоҳ уни дўзахдан озод қилади»**, деганлар.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид